



Интернетдаги Skype орқали мухолифатга оид адабиётларни олиб таркатганликда айбланаётган наманганлик 43 ёшли тадбиркор Қудрат Расулов суд ҳукмини кутмоқда.

Ўзбекистон Миллий хавфсизлик хизматининг Наманган бўлими ходимлари томонидан шу йилнинг 9 сентябр кечаси олиб кетилган Қудрат Расулов уч ой ҳибсда тергов қилинганидан сўнг, унга Ўзбекистон Жиноят кодексининг 221 (куч ишлатар тизим ходимлари талабига бўйсунмаганлик) ва 244-1 (жамоат хавфсизлигига таҳдид солувчи материалларни таркатганлик) моддалари бўйича айб юкланган.

Наманган шаҳар судида Қудрат Расулов устидан жорий ҳафтада ёпиқ суд маҳкамаси ўтказилиши кутилмоқда.

- Шу кунларда Қудрат Расуловнинг иши юзасидан суд мажлиси бошланишини кутяпмиз, лекин айблов хулосасини менга беришмади, — дейди Озодлик билан суҳбатда маҳбуснинг адвокати Хусан Саломов.

Озодлик тасарруфидаги Қудрат Расуловни қамоққа олиш ҳақидаги хужжатларда, чунончи жиноят иш-

лари бўйича Наманган шаҳар суди ажримда ёзилишича, маҳбус Skype мессенжери воситасида мухолифат фаоллари Тўлқин Қораев ва Муҳаммад Солиҳ билан доимий мулоқотда бўлган.

Жиноят ишлари бўйича Наманган шаҳар судининг 10 сентябр кунги ёпиқ мажлиси чиқарган ажримда айбланувчи Қудрат Расулов Skype воситасида “Қуролсиз кишининг озодлиги” номли фильм ва “Зулм қилма ва зулмга рози ҳам бўлма”

оли Елена Урлаева Озодлик билан суҳбатда Ўзбекистондаги куч ишлатар тизимлар инсонларнинг мамлакат конституциясида кафолатланган ахборот олиш эркинлигига тажовуз қилаётганини таъкидлади:

- Дунёвий давлат тарафдори бўлган тадбиркор Қудрат Расуловга ўз мазмуни ва сарлавҳасига кўра, зулм қилмаслик ва зулмга рози бўлмаслик ҳақидаги китобни интернетдан олгани учун 8 йилга қамалиш хавф солиб турибди.

## НАМАНГАНЛИК ТАДБИРКОР СКАЙПДАГИ МУЛОҚОТИ УЧУН 8 ЙИЛГА ҚАМАЛИШИ МУМКИН

сарлавҳали китоб файлларини кўчириб олганликда айбланган.

Шаҳар суди судьяси Қодиров раислигида, Йўлдошев котиблигида ҳамда прокурор Болтаев иштирокида ўтган суднинг ёпиқ мажлиси Қудрат Расуловни вақтинча қамоққа олиш ҳақида ажрим чиқарган эди.

Озодлик тасарруфидаги ажрим хужжатида судья ва прокурорнинг исми келтирилмаган, аммо айни хужжатда Қудрат Расулов МХХ терговчиси А. Тўраев тарафидан ушлангани айтилади.

Ажримда Қудрат Расулов наманганлик фуқаролар А. Бойдедаев ва Қ. Солиевлар чақувига асосан ушлангани ҳам таъкидланади.

Фуқаролик жамияти фаоли Қудрат Расуловнинг қамоққа олиниши билан боғлиқ жараёни кузатиб келаётган инсон ҳуқуқлари фа-

Ўзбекистон конституциясининг 29-моддаси Ўзбекистон фуқаросининг ахборот олишини кафолатлайди, — дейди Елена Урлаева Озодлик билан суҳбатда.

Суҳбатдош маҳбус Қудрат Расуловнинг Skype орқали мулоқот қилгани учун қамоққа олингани фактига эътибор қаратди:

- Одатда Skype тармоғи хавфсиз ҳисобланади. Лекин Ўзбекистон МХХси ходимлари Қудрат Расуловнинг уйи ёнига махсус мослама ўрнатиб, интернет сигналларини тутишган.

Билишимча, унинг уйи олдида махсус пеленгатор ўрнатилган.

Бундан келиб чиқдиган хулоса шуки, Ўзбекистон МХХси фуқароларнинг Skype орқали қилаётган суҳбатларини ҳам эшитмоқда, — дейди Елена Урлаева.

Тошкент шаҳар Шайхонтоҳур туман жиноят ишлари бўйича суди фуқаро Нуриддин Джуманиязовни 25 декабр куни тўланган ажрим ва тилхати асосида озодликка чиқарди.

## ЎХХ НИНГ ФАОЛ АЪЗОСИ ТИЛХАТ АСОСИДА ОЗОДЛИККА ЧИҚАРИЛДИ

“ИИБга қарашли Тоштурмада сақланишим керак эди, аммо хулқим ва ўзимни яхши тутганим инobatга олиниб озодликка чиқаришди.

Лекин бу бутунлай озодликка дегани эмас. Зотан келаси тўрт

ой давомида ИИБ ходимлари назоратида бўлишим айтилди. Уларнинг ҳар бир чақирғига “лаббай”, деб туришим керак, акс ҳолда яна ҳибсга олиншим маълум қилинди”,

дея билдирган Нуриддин Джуманиязов, ҳибсга олинган пайт олиб қўйилган паспорти, модем ва флешкалари қайтарилмаганини қўшимча қилиб. ЎХХ фаоли Джуманиязов ўзининг қамалишига Абдулло Тожи-

бой ўғли уюштирган аризалар сабаб бўлганини айтди.

«У мардикорлар қасаба уюшмаси» га аъзо бўлиб кирган икки киши билан орамизда нифоқ солиш мақсадида бу ишни қилган экан.

Менга қарши ариза ёзган ўша фуқароларнинг ўзидан билдим бу ҳақда.

Бу одамлар сентябр ва октябр ойларида мен билан Қозоғистонда бирга ишлаган.

Улар ишлагани учун тўла ҳақларини олишган ва бунинг тергов жараёнида тан олишди.

(Давоми 2-саҳифада)

(Давоми: Боши 1-саҳифада)

Бошқа томондан терговда бу одамлар МХХ ва унга хизмат қилаётган Абдулло Тожибой ўғли томонидан мен ҳақимда маълумот тўплаш учун ёлланганини сездим. Устимдан ИИБ идорасига арз қилган бу икки фуқаро айнан Абдулло Тожибой кўрсатмаси асосида ёлгон ариза ёзганларини айтиб берди”, дейди ЎХХ фаоли Нуриддин Джуманиёзов.

Эслатсак, Нуриддин Джуманиёзов шу йилнинг 19 декабр куни Тошкент шаҳар Шайхонтохур тумани ИИБ ходимлари томонидан ҳибсга олинганди.

ЎХХ сайти таҳририяти Тошкентдан ўзини Абдулло Тожибой ўғли деб таништирувчи шахсдан мактуб олди.

Мактуб муаллифи ЎХХ га қарши махфий фаолиятда бўлган кимса эканлигини ва у Ҳаракат фаолларидан икки нафарини одам савдосида айлбанишига эришган “шоввозлардан” эканлигини қайта эслатишга ҳожат бўлмаса керак.

“Эрк” демократик партиясининг Тошкентдаги Бош котиби Отаназар Ариповдан 2500 доллар пулни олиб, уни қайтиб бериш ўрнига, ЎХХ фаолларига қарши кампания бошлаб юборган бу инсон (агар уни инсон номи билан аташ мумкин бўлса) ҳақида илгари

## АБДУЛЛА ТОЖИБОЙ ЎҒЛИ МАКТУБИ

ҳам мақола эълон қилган эдик.

Хуллас, Абдулла Тожибой ўғлининг иддосига кўра, у пулни олган, аммо нима учун қайтиб бериши керак эмиш.

Марҳамат, мактубни ва саҳифамизда эълон қилинган мақолани ўқинг (<http://uzxalqharakati.com/archives/22879>).

Куласизми, йиғлайсизми – бу энди сизга ҳавола.

### Солиҳ ким ўзи?

Мен бирон бир партиёга аъзо бўлиб ҳукумат билан сиёсий майдонда курашиш мақсади бор эди.

Кўплаб “ЭРК” демократик партиясини аъзолари билан яъни, болаликдан таниган Анвар ака Тўрахўжаев, Бахтиёр Исабеков, Отаназар Арипов, Дилором ва яна бошқаларни таниганлигим сабаб шу партиёга 2012 йили аъзо бўлдим.

Ҳеч кимга сир эмас ва буни ҳеч ким инкор этаолмайди, чунки мен шу партиёга киришим билан

У Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 135- моддаси (одам савдоси билан шуғулланиш) бўйича айбланаётган эди.

Пойтахт ИИБ маъмурлари Нуриддин Джуманиёзов ўзбекистонлик иккита фуқарони Қозоғистон Республи-

## ЎХХ НИНГ ФАОЛ АЪЗОСИ ТИЛХАТ АСОСИДА ОЗОДЛИККА ЧИҚАРИЛДИ

касида ишлатгани, аммо иш ҳаққини бермаганини иддао қилганди.

“Ҳозир шу фуқаролардан бизга ариза ва шикоятлар келиб тушган.

Шу шикоятлар бўйича тергов ишларини олиб бормоқдамиз. Агар шикоятда кўрсатилган важлар ўз тасдиғини топса, унда у кишига нисбатан, Ўзбекистон Республикасининг ЖПК ва ЖК га тегишли мод-

даларига мувофиқ, жиноий чоралар кўрилади”, дея билдирган эди Тошкент шаҳар ИИБи маъмурлари.

ЎХХ хабар маркази

унда жонланиш пайдо бўлди, партиё аъзолари олдин уч тўрт бўлиб чойхонада ўтириб олиб гап сотишдан нарига ўтмас эдилар.

Партияда фаъл, партиё аъзоси бўлиб фаъллик кўрсатиб партиёни кучайтира бошладим, шу билан бирга партиёни Ўзбекистон ичида маблағини ташкил этиш ғоясини Отаназар ака Арипов билан келишиб, ўзимни бизнесимни равожлантириб соф фойдадан 50% фойизини партиё бюджетига бериш маслаҳатини бердим.

Отаназар ака Ариповга маъқул тушди ва мен у кишига тилхат бериб бизнес аборооти учун пул олдим.

Мен берган ғоялардан бири мар-

Бир куни Тиллаев ва Джуманиёзов орқали Абдуллоҳдан техника ва мен берган пулни олинганлар.

У мени техникам ва пулимга, менга эмас, менга қарши ишлаётибди деган ноҳақ важлар билан уларни мени уйимга юборибди.

Мен, Отаназар Арипов билан келишиб, унга тилхат ёзиб, ундан пулни олганман. Қолаверса мен партиёни Ўзбекистон ичида тарафдорлари ва уни кучайишини таъминлаш вақтида ҳукумат томонидан уч маротаба, энг кам иш ҳақининг 100%(10.000.000.) дан, жаримага солинганман.

Менга пенсиямдан 50% ушланишию, менга солинган жарима Солиҳ жанобларини қизиктирмайди, мен Отаназар акадан олган пул ҳатто жаримани қопламайдиган пулни ундиришга Солиҳ жаноблари Тиллаев ва Джуманиёзовларни гиж-гижлаб ҳаракат қилаётир.

Мени диктаторлик тузуми томонидан қилинган босим ва таъзиқлари, газу, чироғимни узгани, болаларимдан ажратгани, иқтисодий ва социаль блакада қилгани ва жарималарни солган бир томону, Солиҳ эса бу ҳолдан фойдаланиб, мени яшашим учун хозирда ягона бўлиб турган финансимдан маҳрум қилмоқчи.

Менимча Солиҳ мени ичкарида текшириб куришликни Джуманиёзовга буюрган, мен ҳукумат ташкилотларига ишламаслигимни билиб манн бунингдек тухмат ва босимларни утказишга ҳаракат қилмоқда-деб биламан.

Мирсоатов Абдуллоҳ  
Тожибой ўғли.

Пресс-центр: “Ўзбекистонда ҳалол ва адолатли сайловлар учун” жамоат бирлашмаси.

26.12.2013 й

Тошкент, Ўзбекистон.



Бу ҳақда президент Ислон Каримов имзолаган “Солиқ ва бюджет сиёсатининг 2014 йилга мўлжалланган асосий йўналишлари қабул қилинганлиги муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг Солиқ кодексига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги қонунда айтилади.

Янги қонунга кўра, Ўзбекистон Солиқ кодексининг

- Ўн ва ундан кўп бола тукқан аёллар;

- Чернобиль АЭСидаги ҳалокат оқибатларини бартараф этишда жабрланган шахслар даромад солиғига оид имтиёзлардан маҳрум қилинади.

Расмий манбаларда бу «Қонун хўжалик юритувчи субъектлар ва бутун иқтисодиёт зиммасига тушадиган солиқ юкини янада камайтиришга, солиқ солиш тизimini содда-лаштиришга, маҳаллий бюджетларнинг даромадлар қисмини мустаҳкамлашга ва солиқ маъмуриятчилигини такомиллаштиришга қаратилгани» айтилади.

Бирок, Афғонистон уруши қатнашчиси жаззалик Зиёдилло Раззоқовнинг фикрича, “чернобилчи” ва “баналмилалчи”ларнинг имтиёзлари бирин-кетин бекор қилиб борилиши ҳукуматнинг

## ЎЗБЕКИСТОНДА КЎП БОЛАЛИ ОНАЛАР УЧУН СОЛИҚ ИМТИЁЗЛАРИ ЯНГИ ЙИЛДА БЕКОР ҚИЛИНАДИ

Ўзбекистонда 2014 йилда беш тоифадаги жисмоний шахслар учун имтиёзлар бекор қилинади. Жумладан Иккинчи жаҳон урушида Ленинград қамали пайтида ишлаган шахслар, касбий фаолияти давомида ногирон бўлган ички ишлар ходимлари, Афғонистон уруши қатнашчилари, ўн нафардан кўп бола тукқан аёллар, Чернобиль АЭСи фалокатини бартараф этишда иштирок этган жисмоний шахслар солиқ имтиёзидан маҳрум этилади.

2-моддасидаги 3,4,6,8 ва 9 бандлари олиб ташланган.

Яъни, 2014 йилнинг биринчи январидан бошлаб беш тоифадаги жисмоний шахслар даромад солиғига оид имтиёзлардан маҳрум қилинади:

- 1941 йилнинг 8 сентябридан 1944 йилнинг 27 январигача Ленинград қамали пайтида шаҳарда ишлаган шахслар;

- хизмат вазифасини бажарётган пайтда жароҳат олиб ногирон бўлиб қолган ички ишлар идоралари ходимлари;

- ҳарбий амалиётлар олиб борилган Афғонистон ва бошқа мамлакатларда ҳарбий хизмат ўтаган шахслар.

2014 йилнинг биринчи апрелидан эса:

силласи куриётганидан дарак беради:

- Илгари энг кам иш ҳақининг тўрт бараваригача маош бўлса, ундан 50 фоиз даромад солиғи тўлаш имтиёзига эга эдик, мол-мулк солиғидан озод эдик.

Энди шундан ҳам қолибмизда. Ўзи биз “афғон”чиларга ҳеч қандай имтиёз қолмади. Шаҳар жамоат транспортида текин юриш, касалхоналарда текин даволаниш, узоқ сафарлар учун чипталарнинг 50 фоизлик имтиёзлари аллақачон йўқ бўлган.

Ваҳоланки, Ўзбекистондан бошқа МДХ давлатларида ана шу имтиёзлар сақланиб қолган, деди Зиёдилло Раззоқов.

ozodlik.org



## БЎЛМАГИН

Ислонга дўст бўлдинг,  
куфрга душман,  
Муқаддас йўлингга  
хариф бўлмагин.  
Вужудинг оловда эриб  
кетса ҳам  
Иймонинг қатида  
заиф бўлмагин.

Гуноҳлар урчиган  
кундузги кунлар,  
Шаҳват фарёдидан  
қораймиш тунлар,  
Дўзахга бўлмайин  
десанг ўтинлар,  
Кўзи қонга тўлган  
шаҳиф бўлмагин.

Гўзаллар ўтарлар  
кўзни ўйнатиб,  
Шайтоний оҳангда қалбинг  
қуйлатиб,  
Сен шунда уларни  
гамгин ўйлатиб,  
Латиф шаҳватларга  
латиф бўлмагин.

Умрингга ўрнашин энг  
олий туйғу,  
Фақат Ислон бўлсин  
сен учун қайғу.  
Фақирлар пойида  
бошинг садқа-ю,  
Султонлар наздида  
шариф бўлмагин.

Покиза маслагинг  
чекканда фарёд,  
Тополмай қоласан тузук  
бир нажот,  
Бир пулга чақилмас  
юртда эътиқод,  
Куфр аҳли учун назиф бўлмагин.  
Дунё арзимаиди йиққан

зарингга,  
Яхшиси, шукр қил йўғу борингга.  
Ердам сўраб келган  
биродарингга Мадина бўлгину,  
Тоиф бўлмагин.

Хайрулла Ҳамидов



Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг айтишича, янги қочкинларнинг сони бўйича бу йил «рекорд» ўрнатиши мумкин.

Худди шу манзарада Швециядан ўзбекистонлик қочкинларга кўмак бериб келаётган фаолнинг кузатувларига кўра, «ҳозир Ўзбекистондан чикиб кетиш ҳоллари ҳам жуда кўп»:

«2005 йилги Андижон воқеаларидан сўнг Ўзбекистондан чиққан қочкинларга Оврўпода бошпана бериш ҳоллари кўпайганди. Шунинг эвазига, менимча, кўп одамларда Ўзбекистондан чиққандан сўнг бошқа давлатлар-

Ёки борганингиздан кейин, визани кўйдириш учун ҳам пул сарфлайсиз.

Ҳаммаси пул харжи билан бўладиган нарса».

#### Бошпана...

У кишининг сўзларидан аён бўлишича, ўзбекистонлик фуқаролар бугун кўпроқ Туркия, визасини олиш осонроқ ва арзонроқ бўлган Оврўпо давлатларига чиқишни афзал билишмоқда.

«Фақат ичкарига кириб олсам бўлди, деган маънода. Кейин бошқа давлатларга ўтиб кетишяпти.

Масалан, Польша ёки Чехияга



Устига устак, улар иложи бўлса, фуқаролигини олиб, Россияда доимий яшаб қолишни ҳам хоҳлашар экан.

Турли манбаларга таяниб, Россиядаги ўзбекистонлик меҳнат муҳожирларининг сони тахминан 5 миллион атрофида экани айтилади.

Маҳаллий кузатувчилар эса, бунинг сабабини ўтган 20 йил ичида Ўзбекистон ижтимоий, иқтисодий ва сиёсий ҳаётида вужудга келган аҳвол билан изоҳлашади.

Яъни, Ўзбекистондаги ночор ижтимоий-иқтисодий вазият ва сиёсий тазйиқлар сабаб ўтган чорак аср давомида мамлакатни тарк этган фуқароларнинг сони миллионларга етган.

Бугун ўзга юртларда меҳнат муҳожирлигида банд ўзбекистонликлар баробарида хорижий давлатдан бошпана олган сиёсий қочкинларнинг сони ҳам мамлакат тарихида кузатилмаган даражада. Устига устак болаларининг тахсили ёки яхшироқ келажак илинжида Ўзбекистонни тарк этаётганлар сони-да оз эмас.

## ‘ЎЗБЕКИСТОНДАН ҚОЧАЁТГАНЛАР КЎП’

дан бошпана олиш мумкин, деган фикр пайдо бўлди», — дейди биз билан суҳбатда ўз вақтида «Ўзбекистонлик қочкинларни ҳимоя этиш ташкилоти» раҳбари ҳам бўлган Дўстназар Худойназаров.

Суҳбатдошимизга кўра, кўпчилик ўз келажигини ўйлаб, Ўзбекистонни тарк этмоқда.

У кишининг айтишича, айни масалада ҳам сиёсий ва ҳам иқтисодий сабаблар бир хил роль ўйнаяпти.

«Чунки гапиролмас, ҳеч нарса қилолмас, ҳеч ким ўз фикрини айтолмас... Ёки бизнес ташкил қилгани билан, уни олиб кетолмас.

Олиб кетишга ҳаракат қилганида, давлат томонидан қаршиликлар бўлгандан кейин, бу, биринчидан, сиёсий сабаб бўлади. Ҳаммаси сиёсийсига бориб тақалади. Иккаласи ҳам биргаликда, элликка-эллик», — дейди фаол.

Суҳбатдошимиз бу каби ҳолларга Ўзбекистонда қатъий амалда бўлган чиқиш визаси тартиби ҳам тўсқинлик қила олмаётгани, ҳаммасини «пул ҳал қилаётгани»ни таъкидлайди.

«Пулнинг бўладиган бўлса, икки марта «депорт» бўлиб қайтиб кетганингиздан кейин ҳам, паспортни алмаштириб олишнинг имконияти бор.

виза олиш осонроқ», — дейди Швециядан фаол ўз кузатувларига таяниб.

Аммо, суҳбатдошимизнинг айтишича, ҳозирга келиб, Ўзбекистон фуқароларининг хорижий давлатдан бошпана олиш имкониятлари жудаям пасайиб кетган.

«Уларнинг 80 фоизи бошпанасиз қолишяпти. «Қора» ҳолатда бошқа давлатларга, унисидан бунисига, бунисидан унисига ўтиб, ариза нима қилиб юришга мажбур бўлишяпти», — дейди у киши.

Бунинг бир қанча омиллари борлигини айтarkan, суҳбатдошимиз, ўзи гувоҳ бўлган ҳолатлардан келиб чикиб, бунга кўпроқ Ўзбекистон фуқароларининг ўз саъй-ҳаракатлари сабаб бўлаётганлигини таъкидлайди.

«Биринчидан, кўплаб ўзбеклари-миз бошпана олгандан кейин, Ўзбекистонга қайтиб боришлари мумкин эмаслигини билган ҳолда, вақтинчалик берилган мақомларидан фойдаланиб, Ўзбекистонга борган ва бир қанчаси қўлга тушган воқеалар ҳам бўлди...», — дейди у киши.

Агар, Россияда ўтган йили ўтказилган сўров натижаларига қаралса, ўзбекистонлик ҳар уч муҳожирдан биттаси ортга қайтишни истамайди.



Ўз ўрнида, Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг янги ҳисоботида таянилса, биргина жорий йилнинг дастлабки олти ойида бутун дунё бўйлаб 6 миллионга яқин одам қочқинликка юз тутган.

Қочкинларнинг сони бўйича Афғонистон етакчилик қилган бўлса, мезбон давлат сифатида Покистоннинг олдида тушадигани йўқ экан.

Бирлашган Миллатлар Қочқинлар бўйича Олий комиссари Антонью Гутерришнинг айтишича, қочкинларга энг зарур ёрдамларни кўрсатишга ҳаракат қилишяётгани билан, уруш бўладими ёки можаролар, одамларни оммавий муҳожиратга ундаётган омилларни бартараф этишга имконсизлар.



Сурхондарё вилояти ҳоқими Нормўмин Чориевнинг ишдан олиниш сабаблари маълум бўлди. Халқ депутатлари вилоят Кенгагининг навбатдан ташқари сессиясида нутқ сўзлаган И.Каримов бундан атиги 1,5 йил аввал ўзи тайинлаган ҳоқимнинг айбини ўзи "очиқ ташлади".

## КАРИМОВ ЯНА ҲАММАНИ ИШОНТИРГАН БЎЛДИ

"Вилоятнинг биринчи раҳбари Нормўмин Чориев томонидан ўзига бино қўйиш, ўзини тутолмаслик, қўл остидаги ходимларга қўпол муносабатда бўлиш, айш-ишратга берилиш, шунинг оқибатида эл-юрт олдида обрўсини йўқотиш, унга билдирилган ишонч ва ҳурматни бутунлай унутиш – буларнинг барчаси одамнинг ақлига сиғдириб бўлмайдиган ҳолатдир", – деди мамлакат раҳбари.

Шу ўринда бир неча савол туғилади. Биринчидан, шунча айби бор экан-у, салкам 2 миллион аҳолига эга вилоятнинг тақдирини ким унга топшириб қўйган? Каттанинг ўзлари эмасми! Бунинг учун сиз ўзингиз, И.Каримов жаноблари, бирор масъулиятни ҳис этасизми? деган саволни эса ҳеч ким бермади. Менимча, бунақа саволни берган ботирни нималар кутиши ҳам одамнинг ақлига сиғдириб бўлмайдиган ҳолатдир.

Иккинчидан, "ўзига бино қўйиш, ўзини тутолмаслик, қўл остидагиларга қўпол муносабатда бўлиш, айш-ишратга берилиш ва ҳ.к. айблар кимда йўқ? Вазирлар-у, сарой аъёнларидан тортиб, то маҳаллалардаги яшил формаларгача тарқалган эпидемия-ку бу! Ҳей, ўзингга бино қўймасанг, ҳеч бир тузукроқ бинонинг эшигига ҳам йўлатишмаса, оддий халқ экан бу деб; қўл остингдагиларга қўпол муносабатда бўлмасанг, тепадагилар ёқтирмаса; бунинг устига, шахсан Катта ҳазратларининг оқ фотиҳаси-ку бу. Кабинетига кириб чиққан ҳар қандай ҳоқимчадан сўранг, айтиб беради қаеридан тепки еган-у, онасини учкўрғонга неча марта обориб келганини. Айш-ишратни-ку айтмаса ҳам бўлаверади, отанинг қизлари буни қойилмақом қилиб намойиш этиб келяптилар. Ҳўп, шундай экан, бечора Чориев қаёққа борсин?!

Гапнинг пўсткаласини айттайми, бу айблар негадир ҳайдалишнинг асл сабабига ўхшамайроқ турибди. Шунчаки, ўзига бино қўйгани учун ишдан олиш – нима десангиз, денг-у, – аммо бизнинг ўзбек давлатчилигида суяқ

сурган. Бу ерда қандайдир бошқа сабаблар борга ўхшайди, аммо нима?

Хуллас, Н.Чориев лавозимини суиистеъмол қилиш ва ўз ҳузур-ҳаловатини ўйлашда, вилоятдаги муаммоларни бир четга суриб қўйишда айбланди. Оддий халқ ҳам "ким ёмон – Чориев ёмон" деб ишонган одамга ўхшаб тураверди. "Чориев кетди, мана энди ҳаммаси зўр бўлади!" деган янги умидлар ҳам пайдо бўлса, ажаб эмас. Ахир ҳар гал Август деяверсанг ҳам, уят-да.

Шунингдек, И.Каримов раҳбарнинг ён-атрофида доимо парвона бўлиб юрадиган хушомадгўй лаганбардорларни ҳам қоралади. "Улар ўз ишини битиргунча "ака-ака" деб, "буюринг, хизматингиздамиз" деб, иродаси заиф

бўлган раҳбарни бузади, йўлдан оздиради. Янги лавозимга ўтирадиган одам бундай ишлардан доимо огоҳ бўлиб, уларга ҳеч қачон йўл қўймаслиги зарур" – деди у.

Сизни билмадим-у, аммо менимча, бу ерда атрофидагиларни айблаш инсофдан бўлмабди. Ахир иш битгунча, "ака-ака" деб турмай, бир ишни битириб бўлармиди! Раҳбарлар ҳам буни яхши билиб олган, қуруқ "ака-ака"га кўна қолмайди. Акага уқалик қилиб туриш керак. Халқимиз азалдан бободехқон. Ҳар хил сабзовот ва мева ҳосилларидан тортиқ қилиб туриш керак. Масалан, кўкидан, дейлик карам, ва албатта лимон аралаш. Кўрганмисиз шунақа лимонли кўкатни? Ҳа, яшанг.

Бу мева-сабзовотлар ҳеч қачон одамни бузган эмас, балки аксинча, соғлиқ-саломатлик ва қуч-қувват манбаи. Эл-юрт ичида обрў, ва энг муҳими, тепадаги оғизларни яна-да содиқлик билан боқиб туришга имкон беради.

"Н.Чориев, айниқса Сурхондарё вилояти ҳоқими этиб тайинланганидан кейин, ўз лавозимини суиистеъмол қилишга, турли ички майлларга, хоҳиш-истакларга берилиб кетгани, фақат ўз ҳузурини ўйлагани, шунинг ҳисобидан вилоятнинг қанча-қанча муаммолари ечилмасдан қолиб кетгани бугун тобора аён бўлмоқда", деди яна Каримов.

Эшитдингизми? Турли ички майллар, хоҳиш-истаклар. Каримов ҳамма нарсани, ҳатто ички майлларингизгача билади, деса биров ишонмаса керак. Қизиқ, бу майлларни унинг ўзи билиб ўтирадимикан ёки атрофидаги фолчи-жодугарлари етказиб турадилми? Ахир биларкансан фақат ўз ҳузурини ўйлашини, 1,5 йилдан бери қаерда пашша қўриб ўтирган эдинг? дейдиган оқорак ҳам чиқмади сессияда. Каримов эса ҳали-бери тинадиган эмас: "Эл-юрт ишончини оқламаган раҳбарларга қарата афсус-надомат билан айтишга мажбурмиз: эй, сен ким эдинг у ким бўлдинг?"

Сен ким эдинг-у ким бўлдинг? Ким

эди, бу маълум – ҳоқим эдинг, Сурхоннинг Каттаси эдинг, мини-Каримов эдинг, истасанг сўкиб, истасанг уриб-тегиб, истаганча халқни ўмариб, еб-ютворардинг, ёки оқизмай-томизмай тепага узатиб турардинг, энди-чи? Энди эса ўша тепанинг ўзи мана бутун миллат жожеасини бўйнингга илиб, бетингга лой чаплаб турибди.

"Шундай экан, раҳбарликдек ўта оғир масъулиятни ўз зиммасига олган ҳар қайси одам ўзининг ҳар бир қадамини ўйлаб босиши, ҳар томонлама ўйлаб иш тутиши керак" деди И.Каримов.

Буни тингловчилар юз фоиз тушунди. Дарров тушунди. Тўғри тушунди: "Эй барака топгурлар, ҳар биринг қадамингни ўйлаб бос, сенларам қовун туширсанг, Чориевнинг куни келади бошларингга", дегани бу.

Каримов Тошкентда бир депутатдан аёлига лаганбардорлар таъсир қилмаётгани ҳақида сўраганини айтди. "Яқинда Тошкентда депутатлар билан гаплашганда, биттасидан сўрадим. Майли, сиз ўзингизни тутаяпсиз, ишла-япсиз, сизга ишонч билдириш мумкин. Лекин аёлингиздан кўнглингиз тўқми? Аёлингиз мана шундай лаганбардор, хушомадгўйлар, хизмат қилувчиларга қандай муносабатда? Уларнинг хизматига муҳтож бўлиб, эри эмас, худдики ўзи бу лавозимни бажараётгандек", – деди президент.

Ол-а, нахотки дода қариганда яна биттасини истаб қолган бўлса! Эҳ, бу чоллар ёмон чоллар, деган экан Ғафур Фулом... Узи кейинги пайтларда Таня холамизнинг иштаҳаси маълум бўп қолувди, то Фарғона нефть заводи, то ванна тагидаги миллионлар... Мана энди заҳматкаш додамиз Тошкентда депутатлар билан божа бўлмоқчи бўлса, ҳеч ҳам ажабланманг.

Шунақага ўхшайди, чунки нутқнинг қоқ ўртасига етганда, Ислоҳ Каримов нафс балосидан сўз очди:

"Бу ҳаётда инсонни синондан ўтказадиган нарсаси – аввало нафс балосидир. Биз бу ҳақда, ундан огоҳ бўлиш, ундан ўзимизни асраш ҳақида кўп гапираемиз. Лекин агар иймони суст бўлса, одам нафс йўлида ўзини тухтатишга куч тополмайди".

Ё-ху, бу сўзларни Каримов ҳазратлари кимга айтяптилар? Ахир, вилоят кенгашини нафс балосидан огоҳлантириш худди қашқирларни ваҳшиликдан огоҳлантиришдай гап.

Каримовнинг тўнғич қизи Гулнора ўз твитларида онаси Татьяна ва синглиси Лоланинг худди ана шу нафс балосига учраганини айтиб келмоқда. (Гарчи ўзи ва отасига твит навбати этиб келмаса-да). Бундан чиқди, нафс балоси дегани тепада бошланган, ва энг аввало биринчи Оилада илдиз отган. Аммо пихини ёрган ота барибир сир бой бермади, бинойидек нутқ бўлди, ва энг муҳими ишонарли чиқди.

Узиям ўтирганлар бир овоздан "Э барака топгур!" деворди шекилли.



Ушбу мақола Ўзбекистон Миллий Хавфсизлик Хизмати (МХХ) раиси Рустам Иноятлов томонидан шахсан буюрилган баъзи қотиллик ва бошқа жиноятларга бағишланади. Ўз душманлари ёки рақибларини гумдон қиладиган анъанавий “буюртмачилар”дан фарқли ўлароқ, Ўзбекистоннинг бош “чекисти” одатда ўз сафдошларини ва “идора” раҳбарига қачонлардир ёрдам қўлини чўзган одамларни йўқ қилади. Шундай қилиб...

### **Молиявий жиноятларнинг изини тозалаб, Ёки Алишер Азизхўжаевнинг ўлдирилиши**

Тимур Алимов сиёсий сахнадан кетганидан кейин Тошкент аймагининг етакчисига айланган Алишер Азизхўжаев 2012 йил 9 январь куни 58 ёшида оламдан ўтди. 2011 йилда тетик юрган ва ҳаттоки футбол ўйнаб юрган одам кутилмаганда тиббий амалиётдан ўтиш учун Германияга боришга қарор қилади. Қизиғи шунда-ки, Алишер Азизхўжаев Германияда амалиёт столида эмас, Тошкентдан Франкфурт-Майнга йўл олган учоқда ўлди.

Гап шунда-ки, юраги ва буйрақларида оғриқ борлигидан онда-сонда шикоят қилган Алишер Азизхўжаевга Европада амалиётдан ўтиш таклифини шахсан МХХ раиси Рустам Иноятлов берган ва актёрлик маҳоратининг энг сара янъаналарига кўра ўзини, гўёки, Азизхўжаевнинг саломатлиги ҳақида қайғурадиган одам қилиб кўрсатган. Ушбу таклифни ўртага ташлаган Иноятлов аввал бошдан Азизхўжаевни йўқ қилишни режалаштириб юрган. Чунки “идора” раҳбарининг фикрига кўра, “Азизхўжаев аллақачон ўз фазибаларини бажариб бўлган ва ҳаддан ташқари кўп нарсаларни билган”.

Ҳақиқатдан ҳам, охириги 6-7 йил ичида Алишер Азизхўжаев Рустам Иноятловнинг кўплаб шахсий буюртмаларини бажарганди. Хусусан, Ўзбекистон махсус хизматлари раҳбарининг таклифига кўра, Азизхўжаев президент Каримовнинг собиқ шахсий врачлари Дмитрий Львович Арустамовнинг мулкани тортиб

олишда иштирок қилди.

Дмитрий Арустамовнинг Иноятловга ёқмай қолган томони бор эди. Ислоом Каримовнинг буйрагини муваффақиятли операция қилган уролог-врач президентнинг ишончига шунчалик кирган эди-ки, охириги пайтларда давлат раҳбари ўз врачидан нафақат шахсий саломатлик муаммолари бўйича, балки ички сиёсатга оид баъзи масалаларда ҳам маслаҳатлашадиган бўлиб қолган эди.

Бундай ҳолатларни ёқтирмайдиган ва Ислоом Каримовни бошқалардан “рашк” қиладиган Рустам Иноятлов қандайдир врачнинг давлат раҳбарига яқинлашиб кетишини кечира олмасди.

Ва Ўзбекистоннинг бош “чекисти” Д. Л. Арустамовга тегишли ҳамда Тошкент шахрининг Яккачинон (собиқ Тарас Шевченко) кўчасида жойлашган клиникани текширишни бошлатди. Одатдагидек “текширув натижаларига кўра, солиқларни тўламаслик, пул тушумларини яши-

баб бўлди”, — деб жавоб берган.

Мулки талон-тарож қилинган Д. Арустамов доимий яшаш учун Германияга кўчиб кетгандан кейин унинг клиникаси, уйи ва бошқа мулки хўжақўрсинга ўтказилган қимматли савдоларида сотилди. Ушбу савдолар номига ўтказилганини Д. Арустамовнинг мулки ўша Алишер Азизхўжаев томонидан арзимаган пулга “сотиб” олинганидан ҳам билса бўлади.

Рустам Иноятловнинг шахсий топшириғига кўра, ушбу савдоларга фақат Алишер Азизхўжаевнинг компанияси киритилганди.

Иноятлов ва Азизхўжаев ўртасидаги ҳамкорлик фақат ўғирланган ёки тортиб олинган мулкни ўзлаштириш билан чекланиб қолмаган. Ўша йилларда Алишер Азизхўжаев асосан Иноятлов оиласига тегишли пулларни Ўзбекистон ташқарисига, кўпинча Бирлашган Араб Амирликларига (БААГА) чиқариш билан шуғулланган. У ёқларда эса Иноятлов ва Фуломовга

## **ЎЗБЕКИСТОН МХХ РАИСИ Р.ИНОЯТОВ ТОМОНИДАН БУЮРИЛГАН ҚОТИЛЛИКЛАР ВА БОШҚА ЖИНОЯТЛАР ҲАҚИДА**

риш фактлари ва молиявий жиноятларнинг бошқа турлари аниқланди”. Шундан сўнг “идора”нинг буйруғига кўра иш юритган Тошкент шаҳар Хўжалик суди Дмитрий Арустамовнинг қилиниши ва уйини мусодара қилиш ҳақида ҳукм чиқарди.

Қизиғи шундаки, Д. Арустамов ўз клиникасида ва уйда ўтказилган ноқонуний текширув ҳамда тинтув ҳақида Рустам Иноятловга шикоят қилганда “идора” раиси: “Бу ишларнинг барчаси клиника ва уйни тортиб олишни ният қилган Алишер Азизхўжаев томонидан бошланган”, — деган.

Бу вазиятда Иноятлов: “Мен ҳеч нарса қилмайман”, — деб туриб олди. Ваҳолан-ки, ушбу текширув ва тинтувларнинг асл ташаббускори “идора” раисининг ўзи эди.

Д. Арустамов бу босқинчилик юзасидан Каримовнинг ўзига шикоят қилганда эса президент мижозо ҳақида Рустам Иноятловдан сўраган. Бу вазиятда эса Ўзбекистоннинг бош “чекисти”: “Текширувлар Хизмат томонидан бошлаган бўлиб, бунга Арустамовнинг клиникасида молиявий жиноятлар содир этилаётгани ҳақидаги оператив маълумотлар са-

тегишли пулларни Ўзбекистон махсус хизматларининг истеъфодаги зобити Юрий Савинков назорат қилган ва қилмоқда. Бундан ташқари, Алишер Азизхўжаевнинг таклифи ва Рустам Иноятловнинг кейинги розилиги билан Ўзбекистон МХХ республика аппаратида махфий тижорат бўлими ташкил қилиниб, бу бўлим асосан жиноий (“улуш”) маблағларни йиғиш, қонунийлаштириш ва чет элга чиқариш билан шуғуллана бошлади. Пулларни махфий тарзда (МХХ орқали) “ювиш”нинг мазкур схемаси кейинчалик оқсай бошлади. Чунки ҳар бир молиявий операция пайти, айниқса, пулларни мамлакат ташқарисига чиқаришда давлат тижорат банкларининг хизматларидан фойдаланишга тўғри келарди.

Ва яна ўша Алишер Азизхўжаевнинг таклифига кўра ушбу мақсадлар учун махсус, яъни жиноий пулларни “ювиш”га ихтисослаштирилган “Orient Finans Bank” ташкил қилинди. Ушбу банкка МХХнинг истеъфодаги зобитлари ва Тошкент аймағидан чиққан сохта “тадбиркор”лар муассислик қилишди.

*(Давоми кейинги саҳифада)*

*(Давоми: Боши олдинги сонда)*

Ушбу мақола Ўзбекистон Миллий Хавфсизлик Хизмати (МХХ) раиси Рустам Иноятов томонидан шахсан буюрилган баъзи қотиллик ва бошқа жиноятларга бағишланади.

Ўз душманлари ёки рақибларини гумдон қиладиган анъанавий “буюртмачилар”дан фарқли ўлароқ, Ўзбекистоннинг бош “чекисти” одатда ўз сафдошларини ва “идора” раҳбарига қачонлардир ёрдам қўлини чўзган одамларни йўқ қилади. Шундай қилиб...

### **Молиявий жиноятларнинг изини тозалаб, Ёки Алишер Азизхўжаевнинг ўлдирилиши**

Тимур Алимов сиёсий сахнадан кетганидан кейин Тошкент аймоғининг етакчисига айланган Алишер Азизхўжаев 2012 йил 9 январь куни 58 ёшида оламдан ўтди. 2011 йилда тетик юрган ва ҳаттоки футбол ўйнаб юрган одам қутилмаганда тиббий амалиётдан ўтиш учун Германияга боришга қарор қилади.

Қизиғи шунда-ки, Алишер Азизхўжаев Германияда амалиёт столида эмас, Тошкентдан Франкфурт-Майнга йўл олган учоқда ўлди.

Гап шунда-ки, юраги ва буйрақларида оғриқ борлигидан онда-сонда шикоят қилган Алишер Азизхўжаевга Европада амалиётдан ўтиш таклифини шахсан МХХ раиси Рустам Иноятов берган ва актёрлик маҳоратининг энг сара янъаналарига кўра ўзини, гўёки, Азизхўжаевнинг саломатлиги ҳақида қайғурадиган одам қилиб кўрсатган.

Ушбу таклифни ўртага ташлаган Иноятов аввал бошдан Азизхўжаевни йўқ қилишни режалаштириб юрган. Чунки “идора” раҳбарининг фикрига кўра, “Азизхўжаев аллақачон ўз фази-фаларини бажариб бўлган ва ҳаддан ташқари кўп нарсаларни билган”.

Ҳақиқатдан ҳам, охириги 6-7 йил ичида Алишер Азизхўжаев Рустам Иноятовнинг кўплаб шахсий буюртмаларини бажарганди.

Хусусан, Ўзбекистон махсус хизматлари раҳбарининг таклифига кўра, Азизхўжаев президент Каримовнинг собиқ шахсий вақчи Дмитрий Львович Арустамовнинг мулкни тортиб олишда иштирок қилди.

Дмитрий Арустамовнинг Иноятовга ёқмай қолган томони бор эди.

Ислом Каримовнинг буйрағини муваффақиятли операция қилган уролог-врач президентнинг ишончига шунчалик кирган эди-ки, охириги пайтларда давлат раҳбари ўз врачидан нафақат шахсий саломатлик муаммолари бўйича, балки ички сиёсатга оид баъзи масалаларда ҳам маслаҳатлашадиган бўлиб қолган эди.

Бундай ҳолатларни ёқтирмайдиган ва Ислом Каримовни бошқалардан “рашк” қиладиган Рустам Иноятов қандайдир врачнинг давлат раҳбарига яқинлашиб кетишини кечира олмасди.

Ва Ўзбекистоннинг бош “чекисти” Д. Л. Арустамовга тегишли ҳамда Тошкент шахрининг Яккачинор (собиқ Тарас Шевченко) кўчасида жойлашган клиникани текширишни бошлатди.

Одатдагидек “текширув натижаларига кўра, солиқларни тўламаслик, пул тушумларини яшириш фактлари ва молиявий жиноятларнинг бошқа турлари аниқланди”. Шундан сўнг “идора”нинг буйруғига кўра иш юритган Тошкент шаҳар Хўжалик суди Дмитрий Арустамовнинг килиникаси ва уйини мусодара қилиш ҳақида ҳукм чиқарди.

Қизиғи шундаки, Д. Арустамов ўз клиникасида ва уйда ўтказилган ноқонуний текширув ҳамда тинтув ҳақида Рустам Иноятовга шикоят

Рустам Иноятовнинг шахсий топшириғига кўра, ушбу савдоларга фақат Алишер Азизхўжаевнинг компанияси киритилганди.

Иноятов ва Азизхўжаев ўртасидаги ҳамкорлик фақат ўғирланган ёки тортиб олинган мулкни ўзлаштириш билан чекланиб қолмаган. Ўша йилларда Алишер Азизхўжаев асосан Иноятов оиласига тегишли пулларни Ўзбекистон ташқарисига, кўпинча Бирлашган Араб Амирликларига (БААГА) чиқариш билан шуғулланган. У ёқларда эса Иноятов ва Ғуломовга тегишли пулларни Ўзбекистон махсус хизматларининг истеъфодаги зобити Юрий Савинков назорат қилган ва қилмоқда. Бундан ташқари, Алишер Азизхўжаевнинг таклифи ва Рустам Иноятовнинг кейинги розилиги билан Ўзбекистон МХХ республика аппаратида махфий тижорат бўлими ташкил қилиниб, бу бўлим асосан жиноий (“улуш”) маблағларни йиғиш, қонунийлаштириш ва чет

## **ЎЗБЕКИСТОН МХХ РАИСИ Р.ИНОЯТОВ ТОМОНИДАН БУЮРИЛГАН ҚОТИЛЛИКЛАР ВА БОШҚА ЖИНОЯТЛАР ҲАҚИДА**

қилганда “идора” раиси: “Бу ишларнинг барчаси клиника ва уйни тортиб олишни ният қилган Алишер Азизхўжаев томонидан бошланган”, — деган.

Бу вазиятда Иноятов: “Мен ҳеч нарса қилолмайман”, — деб туриб олди. Ваҳолан-ки, ушбу текширув ва тинтувларнинг асл ташаббускори “идора” раисининг ўзи эди.

Д. Арустамов бу босқинчилик юзасидан Каримовнинг ўзига шикоят қилганда эса президент мижаро ҳақида Рустам Иноятовдан сўраган. Бу вазиятда эса Ўзбекистоннинг бош “чекисти”: “Текширувлар Хизмат томонидан бошлаган бўлиб, бунга Арустамовнинг клиникасида молиявий жиноятлар содир этилаётгани ҳақидаги оператив маълумотлар сабаб бўлди”, — деб жавоб берган.

Мулки талон-тарож қилинган Д. Арустамов доимий яшаш учун Германияга кўчиб кетгандан кейин унинг клиникаси, уйи ва бошқа мулки хўжақўрсинга ўтказилган қимомши савдоларида сотилди. Ушбу савдолар номига ўтказилганини Д. Арустамовнинг мулки ўша Алишер Азизхўжаев томонидан арзимаган пулга “сотиб” олинганидан ҳам билса бўлади.

элга чиқариш билан шуғуллана бошлади. Пулларни махфий тарзда (МХХ орқали) “ювиш”нинг мазкур схемаси кейинчалик оксай бошлади. Чунки ҳар бир молиявий операция пайти, айниқса, пулларни мамлакат ташқарисига чиқаришда давлат тижорат банкларининг хизматларидан фойдаланишга тўғри келарди.

Ва яна ўша Алишер Азизхўжаевнинг таклифига кўра ушбу мақсадлар учун махсус, яъни жиноий пулларни “ювиш”га ихтисослаштирилган “Orient Finans Bank” ташкил қилинди. Ушбу банкка МХХнинг истеъфодаги зобитлари ва Тошкент аймоғидан чиққан сохта “тадбиркор”лар муассислик қилишди.

Бугунги кунда “Orient Finans Bank” иноятовларнинг оилавий банки бўлиб, амалда фақат Иноятов оиласининг пулларини БААГА ва оффшор худудларга чиқариш билан шуғулланади.

Ва иноятовларнинг маблағларини “ювиш” схемаси ва ушбу схемага хизмат қилувчи махсус банк оёққа турғазилгач, ушбу ғоятклифларнинг асосий ташаббускорларидан бири – Алишер Азизхўжаев

*Давоми келгуси сонда*



### Идрис алайҳиссалом

Идрис алайҳиссалом (Аҳнұх, ёки Унхұх ёки Нанұх) Ярд (ёхуд Ярид) бин Махлоил бин Қайнон бин Ануш бин Шис бин Одам алайҳиссалом ўғлидир (1). "Унга Аллоҳу Таоло китобидан ва ислом дини суннатидан (2), китоблардан — Одам ва Шис алайҳиссалом саҳифаларидан (3) кўп дарс қилгани учун (4) Идрис исми берилган", дейилади (5).

Идрис алайҳиссалом оқ танли (6), узун бўйли, катта қоринли, кенг кўкракли (7), дағал соқолли, йирик суякли ва хушрўй юзли эди. (Мир Ҳованд. Равза. Таржима, 121-саҳифа). Юрганда, одимини қисқа отарди (8), олдиға боқар эди. Бада-нида қил йўқ эди, аммо сочи қалин эди. Вужудида туғма оқ нуқта бор эди (9). Саси ингичка ва мулоим эди (10).

Идрис алайҳиссалом Одам алайҳиссаломдан кейин (11) қалам билан ёзув ёзган (12), юлдузлар ва ҳисобилмини кўздан кечирган зот эди (13). Утган даврларнинг бутун илмлари унда мужассамлашганди (14). Бутун илмлар унга ўргатилганди, Шис алайҳиссаломдан кейин ҳеч кимга берилмаган гизли (махфий) илмларнинг мусҳофи унга берилган эди (15).

Идрис алайҳиссалом тарзи (тикувчи) эди. (16) Илк кез игна билан тикиш тиккан (17), илк кез либос тикиб кийган ҳам Идрис алайҳиссалом эди. Ундан олдинги одамлар ҳайвонларнинг териларини кийишарди (18). Унинг отаси Ярд бин Махлоил ўз қавмининг Қобил ўғилларининг ёнига бормаслик ҳақидаги насиҳатига (19) қулоқ солмаганида (20), Идрис алайҳиссалом ўрнидан туриб, "шуни яхши билингики, отамиз Ярдни тингламай тоғдан пастға тушганларни бу ерга, тоққа қайтишиға йўл қўймаймиз", деганди. Лекин улар тоғдан тушиб, Қобил ўғилларининг қизлари ила ётиб-турушиға бошлаган эдилар (21).

Идрис алайҳиссалом жуда ибодат-

ли зот эди. Унинг бир кунда қилган амали Одам ўғилларининг бир ойда қилган амалидан юксакроқ эди (22).

Идрис алайҳиссаломнинг мужода-ла ва мушоҳадаси

Одам ва Шис алайҳиссаломдан сўнгра (23) Идрис алайҳиссаломга Аллоҳу Таоло тарафидан пайғамбарлик берилди (24) ва унга 30 саҳифа индирилди (25).

Идрис алайҳиссалом қавмини бутларға топинишдан маън этди ва Аллоҳға ибодат қилишға даъват этди. Лекин қавми уни ёлғончига чиқарди (26).

Идрис алайҳиссалом Шис алайҳиссаломдан бўлган қавмини чақириб, уларға ўғит-насиҳат берди, Аллоҳу Таолога итоат, Шайтонга қарши исён қилишни ва Қобил ўғиллари билан ош-қатиқ бўлмасликни амр этди, аммо уни тингламадилар (27). Қобил ўғилларининг ёнига тўп-тўп ина бошладилар (28). Идрис алайҳиссаломнинг даъватига фақат минг киши ижоб этди (29).

## ПАЙҒАМБАРЛАР ТАРИХИ (3)

Идрис алайҳиссалом илк кез Аллоҳ йўлида Қобил ўғиллари билан урушға кириб, улардан асир олиб, озод этган зотдир.

Идрис алайҳиссалом осмонга чиқарилмасдан аввал ўғли Матту Шалоҳни ўзига халаф, уй халқига (оиласига) васий тайин этди.

Идрис алайҳиссалом Қобил ўғилларини ва улар билан ётиб-турганларни, уларға майл кўрсатганларни Аллоҳу Таоло азоб-ға дучор қилажагини билдирди ва қавмини бундан огоҳ этди (30). Аллоҳға ибодатга ихлосли бўлишни, тўғрилиқ ва (Аллоҳға) яқинлик билан амал ишлашни насиҳат қилди (31).

Бундан сўнгра Аллоҳу Таоло Идрис алайҳиссаломни жуда юксак мақомга, кўкка чиқарди ("Марям" сураси, 57). Уша пайтда у бир юз олтмиш беш ёшда эди (32). Унга ва бутун юборилган пайғамбарларға салом бўлсин!

### Жаҳаннам ва Жаннатнинг Идрис алайҳиссаломга кўрсатилиши

Ҳазрати Умму Саламининг билдиришиға кўра, Идрис алайҳиссалом ўлим Малагининг дўсти эди. Ундан Жаннат ва Жаҳаннамни кўрсатишини илтимос қилди. Улим Малаги уни юксалтди. Идрис алайҳиссалом Жаҳаннамни кўриб, жудаям кўрқиб кетди. Сал бўлмаса, хушдан кетаёзди. Улим Малаги унинг устида қанотини кериб:

- Кўрдингми? — деб сўради.

- Кўрдим, уни бу кунга қадар ҳеч курмагандим, — деди Идрис алайҳиссалом.

Кейин ўлим Малаги уни Жаннатга олиб борди ва:

- Жаннатни ҳам кўрдингми? — деб сўради.

- Ҳа, кўрдим! Валлоҳи, бу ер Жаннатдир, — деди Идрис алайҳиссалом

- Кўрганиннга боравер энди, — деди ўлим Малаги.

- Қаерга борайин? — деб сўради Идрис алайҳиссалом.

- Қаерда бўлишни истасанг, ўша ерга бор, — деди ўлим Малаги.

- Йўқ, Валлоҳи, мен бу ерга кирсам, қайтиб чиқмайман! — деди Идрис алайҳиссалом.

Ўлим малагига:

- Сен уни у ерга киритма, у ерга кирганга у ердан чиқиш йўқдир, — дейилди.

### Пайғамбаримиз Муҳаммад алайҳиссаломнинг мерож кечасида Идрис алайҳиссаломни учратиши

Пайғамбаримиз Муҳаммад алайҳиссалом Мерож кечасида Жа-

броил алайҳиссалом билан 4-қат самоға чиққанида, у ерда Идрис алайҳиссаломни кўрди. Жаброил алайҳиссаломдан "Ким бу?", деб сўради.

### Жаброил алайҳиссалом:

- Бу Идрис (алайҳиссалом) дир, унга салом бер", — деди. Пайғамбаримиз салом берди.

Идрис алайҳиссалом ҳам Пайғамбаримизнинг саломига алик олиб:

- Хуш келдинг, сафо келдинг, солиҳ қардошим, солиҳ пайғамбар", — деди ва хайир дуо этди (35).

### Идрис алайҳиссалом билан Нұх алайҳиссалом ўртасидаги насаб ришталари

Идрис алайҳиссаломдан кейин ўғли Матту Шалоҳ Аллоҳға ибодат ва тоатда давом этди (36). У отға миниб жиҳод қилишда ўз отасидан ўрнак олган (37) ва Аллоҳға тоат ва ибодатда ота ва боболарининг йўлини тутган муборак зот эди (38).

Манглайида пайғамбарлик нури порларди (39).

Матту Шалоҳ вафотидан олдин ўғли Ламакни ўз ўрниға тайин этди.

Унга Аллоҳға тоат ва аҳдни тутмоқ каби оталардан тавсия этилган, ўзи ҳам амал қилган амалларни тавсия этди.

Матту Шалоҳ 917 ёшида вафот этди (40).

Ламак бин Матту Шалоҳ ҳам Аллоҳға ибодат ва тоатда давом этди (41). Қавмиға ўғит берди, уларни Қобил фарзандлари билан ётиб-турушидан огоҳлантирди.

(Давоми кейинги саҳифада)



## ПАЙҒАМБАРЛАР ТАРИХИ (3)

(Давоми: Боши олдинги саҳифада)

Қавми эса Ламакнинг сўзини тингламади. Ҳаммаси тоғдан тушиб, Қобил ўғилларининг ёнига бордилар (42). Шис ўғиллари Қобил ўғилларининг қизлари билан ётиб-тура бошлаганда, Жабобира деб аталган зўравонлар тугилиб, кўпая бошлади. Ламак ўлим тўшагига ётганда, ўғли Нуҳ алайҳиссалом билан набиралари Сом, Хом ва Ёфасни ва уларнинг хотинларини ёнига чақирди.

Тоғда Шис ўғилларидан фақат 8 та киши қолганди, бошқалари ҳаммаси Қобил ўғилларининг ёнига кетишганди. Ламак ёнига келганлар учун баракот дуоси қилди. Ва йиғлади:

- Демак, жинсимиздан шу саккиз жондан бошқа қолмабди! Одам ва Ҳаввони яратган, сўнгра бу иккисидан фарзандларни кўпайтирган Аллоҳдан тилайманки, сизни шу ёмон хотин хасталигидан сақласин! Болаларингизни ер юзини тўлдиражак қадар кўпайтирсин, сизга отамиз Одамнинг баракатини берсин! Уғилларингизга ҳукмдорлик насиб этсин (43).

Эй Нуҳ, кўриб турганингдек, бу ерда биздан бошқа ҳеч ким қолмабди. Аммо сен бундан ҳуркма, шу гуноҳкор қавмнинг орқасидан эргашма (44).

Улганимда мени Кенз моғорасига кўй. Аллоҳу Таоло сенга кемага мишишни буюрганида, отамиз Одамнинг жасадини кемага юкла, кемадан тушганимда эса, ерга олиб туш.

Кемада уни уст қатнинг ўртасига кўй. Сен ва ўғилларинг кеманинг шарқ томонида бўлинг. Хотининг ва келинларинг кеманинг ғарб тарафида бўлсинлар.

Одамнинг тобути (жасади) ўртангизда турсин. На сиз хотинларингизга тажовуз этинг, на да хотинларингиз сизга тажовуз этсин.

Токи кемадан ерга тушгунча, улар билан емак емаяжаксизлар, ичмаяжак ва уларга яқинлашмаяжаксизлар. Тўфон тўхтаганда, кемадан ер юзига қадам босганингиз он, Одамнинг жасади ёнида намоз қил. Ва катта ўғлинг Сомга васият қил.

У Одамнинг жасадини ернинг ўртасига кўмсин. Уғилларингнинг бирисини унга қараб туриш учун вазифалантир. У ҳаётини Аллоҳ учун вақф этсин, уйланмасин ва ўзига уй қурмасин. Қон тўкмасин.

Оёқда юрганларга ҳам, қанот-ла учганларга ҳам яқинлашмасин. Ҳеч шубҳа йўқки, Аллоҳу Таоло Малакларидан биттасини юборди, Малак ер юзининг ўртасини, унинг устунини кўрсатажак ва у билан унсият этажакдир”, деди Ламак. Ламак вафот этгач, Нуҳ алайҳиссалом ва ўғиллари унга жаноза намози қилдилар.

Ламак вафот этганда 777 ёшда эди (46).

*Давоми келгуси сонда*



У.ҲАҚНАЗАРОВ: ИСЛОМ КАРИМОВ ЎЗ КИЗИ ГУЛНОРАНИ ЯНА КАЛТАКЛАДИ

Ўзбекистон президентининг турмуш ўртоғи Татьяна Каримова МХХ раиси Рустам Иноятов билан биргалашиб, ўзининг тўнғич кизи Гулнора Каримовага қарши мақсадли босим ўтказишни давом эттирмоқда.

Хусусан, 2013 йил 12 декабрь куни Дўрмон қароргоҳида Татьяна Каримова навбатдаги маротаба ўз турмуш ўртоғининг қабулига киришга эришди.

Ислом Каримов билан суҳбатда у Гулнора Каримова Тошкент ви-

## У.ҲАҚНАЗАРОВ: ИСЛОМ КАРИМОВ ЎЗ КИЗИ ГУЛНОРАНИ ЯНА КАЛТАКЛАДИ

лояти Қибрай туманида (Тошкент-Чирчиқ автотрассаси бўйида) жойлашган қароргоҳни куриш, безаш ва жиҳозлаш учун деярли беш миллион доллар сарфлагани ҳақида хабар берди.

Тўнғич кизининг исрофгарчилиги ҳақида гапираётиб, Татьяна Каримова: “Ушбу дала ҳовлидаги дельфинарий ва дельфинларнинг ўзига Гулнора деярли икки миллион доллар сарфлади”, — деди.

Ва эртаси куни, яъни 2013 йил 13 декабрь куни, эрталаб Дўрмондан чиққан Ислом Каримов кизи Гулноранинг қароргоҳига йўл олди. Бу ерга келгач, президент жимжимадор дала ҳовли ва қимматбаҳо дельфинарийни ўз кўзи билан кўрди. Кўрганларидан туюқиб кетган Ислом Каримов Қибрайдаги дала ҳовлисида отасини кутишга чиққан Гулнорани ҳақоратлаб бошлади.

Ота кизини исрофгарчилик ва бемаъни ҳаражатлар қилгани учун сўкарди. Ислом Каримов кизидан: “Бу дельфинларни бошинга урасанми?! Уларсиз сен зерикиб қоласанми ёки ўзингни ноқулай хис қиласанми?!” — деб, сўрарди.

Гулнора Каримова: “Мени кечиринг!” — дея отасининг оёқлари остига ташланганда жунбушга келган президент жаҳл устида ўз кизини бир тепди ва Қибрайдаги қароргоҳни тарк этди.

Биқинида қаттиқ оғриқ сеза бошлаган Гулнора Каримова шу куни кечқурун врачларни чақиртирди. Гулнора Каримовани текширувдан

ўтказиб, рентген сурати олган медиклар беморнинг бир қовургасида ёрилиш борлигини аниқлашди. Шу куни Ислом Каримов Президент Хавфсизлиги Хизмати бошлиғига мурожаат қилиб, Гулнора Каримовани тансоқчидарсиз қолдириб, кизи учун фақат Ўзбекистон МХХ назоратчиларини ажратишни буюрди.

Шуни айтиш керак-ки, ушбу воқеа Гулнора Каримовага қарши биргалашиб саф тортган онаси Татьяна Каримова ва МХХ раиси Рустам Иноятов ўртасидаги маҳфий тил бириктирилиши ҳақида тезроқ огоҳлантириш илинжида юрган Гулноранинг охириги умидларини чиппақка чиқарди.

Бундан буюғига унда Ўзбекистон махсус хизматлари раҳбарининг жиноятлари ҳақида президентга хабар бериш имкони бўлмаса керак.

Гулнора Каримованинг ҳозирги аҳволи унга ва унинг бизнес-тузилмаларига қарши бошланган кенг қамровли ҳужумдан кейинги даврдаги энг тушқун ҳолатидир.

Ушбу материал сўнггида МХХ раиси Рустам Иноятов, гўёки, ишдан бўшатилагани ҳақида uznews.net сайти томонидан тарқтилган хабарга ўз муносабатимизни билдиришмоқчи эдик.

2013 йил 23 декабрь ҳолатига кўра Рустам Иноятов ўз лавозимида ишлаяпти ва вазифаларини бажаряпти.

Афтидан uznews.net саҳифасининг манбалари ўтган ҳафта охирида МХХ раиси саломатлиги ёмонлашаётгани сабабли ишдан кетиши ҳақида яна ариза ёзиб, навбатдаги маротаба мамлакат перзидентининг олдида кирганидан шошиб қолишган.

Бироқ Ислом Каримов: “Сабр қил, бирга кетамиз!” — деб, унинг истеъфосини навбатдаги маротаба қабул қилмади.

Бизнингча, ҳозирча Ислом Каримов МХХ раиси лавозимида Иноятовнинг ўрнини боса оладиган муносиб “чеккист” топа олмаяпти.

Ва ўйлашимизча, шундай одам топилиши билан Каримов Иноятовнинг аризасига қўл қўйиб, унинг истеъфосини қабул қилади.

**Усмон ҲАҚНАЗАРОВ**

*сийёсатшунос*

2013 йил 23 декабрь



27 декабр куни Ўзбекистон халқ шоири Муҳаммад Юсуф таваллудининг 60 йиллигини нишонлаш тўғрисида Президент қарори имзоланди.

Худди қарорга имзо чекилишини пойлаб тургандай, сарой сайтлари бирваракайига ҳамду-санони бошлаб юборди. Йўқ-йўқ, шоирни ёки унинг ижодини эмас, балки айнан президентнинг бобаракот имзоси тегган Фармони Олийни: “Мазкур хужжат миллий адабиётимиз ва маданиятимизни ривожлантириш, халқимиз маънавияти, онгу тафаккурини юксалтириш, ёш авлод қалбида ўзликни англаш, миллий ғурур ва ифтихор туйғуларини, эзгу фази-

латларни камол топтириш борасида ёрқин истеъдоди, бетакрор бадиий асарлари, ибратли ижтимоий фаолияти билан катта ҳисса қўшганини инобатга олиб ҳамда таваллудининг 60 йиллигини муносиб нишонлаш мақсадида қабул қилинган”, дея хабар беради ЎЗА.

Яқинда яна бир ўзбек миллий шоири Рауф Парфининг таваллуд кунлари бўлди. На ЎЗА, на бошқа сарой-

## КАРИМОВ 2014 ЙИЛДА МУҲАММАД ЮСУФНИНГ 60 ЙИЛЛИГИНИ НИШОНЛАШГА ҚАРОР ҚИЛДИ

сайтида “миллий ғурур ва ифтихор туйғулари” уйғонмади.

Мана энди бир парча қоғоз туйғули, махсус ташкилий қўмита тuzилиб, унга бир ой ичида Муҳаммад Юсуфнинг 60 йиллигини “юқори савияда нишонлаш” бўйича тегишли чора-тадбирлар режасини ишлаб чиқиш вазифаси топширилган.

Қарорда шоирнинг “Сайланма” асарларини, “Муҳаммад Юсуф замондошлари хотирасида” тўпламини нашрга тайёрлаш ва чоп этиш белгиланган.

Бундан ташқари шоирнинг ҳаёти ва ижодий фаолияти ҳақида хужжатли фильм яратиш, шоир ижодига бағишланган учрашувлар, адабий кечалар ташкил этиш ҳамда Ўзбекистон халқ шоири Муҳаммад

Юсуф яшаган Тошкент шаҳар, Мирзо Улуғбек тумани, Пушкин-Солор кўчаси, 1-уйда ёдгорлик лавҳаси ўрнатиш кўзда тутилган.

2014 йил апрель ойининг охирида Ўзбек Миллий академик драма театри биносида шоир хотирасига бағишланган ижодий кеча ўтказиш тадбирлари режалаштирилган.

UZBEK.FM



Ўзбекистон ҳукумат доираларига алоқадорлиги айтилаётган “Дунё Ўзбеклари” нашрининг ёзишича, шу кунларда Ички Ишлар вазирлиги тизимида қама-қамалар авжига чиққан.

Нашрининг ёзишича, собиқ вазир Баҳодир Матлубовнинг ишдан оли-

дан олинди – тахр.) ўз лавозимидан бўшатилиши ҳам соҳа олдида турган янги қатағонлардан далолат беради.

Илгари хабар қилганимиздек, навбат Олий Суд раиси, Бош прокурор ва ҳатто МХХ тизими раҳбарларига ҳам бориб тақалиши мумкин.

Сал олдинроқ Ўзбекистон Олий Ҳўжалик судининг раиси ва унинг йигирма йиллик биринчи ўринбосари Нурмат Ахмоновлар ҳам кутилмаганда ўз вазифаларидан бўшатирилган эди. Сўнгги хабар – Тошкент шаҳридаги Олмазор (собиқ Собир Раҳимов) тумани ҳокими Обид Зайниддинов 25 декабрь тонгида ўз кабинетидан миллий хавфсизлик хизмати мулозимлари томонидан ҳибсга олинган...

## ҚАМА-ҚАМАЛАР НАВБАТИ ОЛИЙ СУД РАИСИ, БОШ ПРОКУРОР ВА МХХ РАҲБАРЛАРИГА КЕЛИШИ МУМКИН

ниши муносабати билан бошланган бу тадбир аввалдан режалангани маълум эди. Буни амалга ошириш учун анчадан буён обрўсизланиб ва кучсизланиб қолган вазирнинг ишдан олиниши керак бўлган, шекилли.

Сурхондарё вилоят ҳокимининг айш-ишратга берилганини “фош қилган” Ислом Каримовнинг изни билан, шу пайтгача район, шаҳар ва вилоят ҳокимларидан катта гуруҳ ҳибсга олинган.

Ўзбекистон Президентининг куч ишлатар тизимларини назорат қилувчи Давлат маслаҳатчиси Жамшид Файзиевнинг янги йил олди-дан (Файзиев 25 декабрь куни иш-

Ҳозирча “тозалаш”, асосан, Ички Ишлар вазирлиги тизимида боряпти. Янги йилдан эътиборан у бошқа куч ишлатар тизимларига ҳам ўтиши мумкин.

Бугунга қадар Мустақиллик давридаги катта-кичик юздан зиёд ҳокимнинг ҳибс этилганини ҳисобга олсак, ўзбек давлати салтанатининг не қадар барқарорлиги ҳақида беихтиёр ўйга толади киши... Нима бўлганда ҳам бугун Ўзбекистонда раҳбар бўлиб ишлаш – қиличнинг тиғида туришдек бир гап бўлиб қолди, дейилади “Дунё ўзбеклари” мақоласида.

UZBEK.FM

## ЎЗБЕКИСТОНДА 215 ДАН ОРТИҚ АВТОУЛОВ КУЙИБ, КУЛ БЎЛДИ

Поёнига етиб бораётган 2013 йилда республика бўйлаб 400 дан ортиқ транспорт воситасида ёнғин чиққан.

Бу борада жамоатчиликка маълум қилган Ўзбекистон Ички ишлар вазирлиги Ёнғин хавфсизлиги бош бошқармаси ёнғин оқибатида 215 та автоулов ёниб, кулга айлангани, 31 киши турли тан жароҳатлари олгани ва бир ҳолатда ўлим қайдга олинганини билдирган.

Ёнғил автомашина, юк машиналари ва йўловчи ташувчи автобусларда техник сабаблар туфайли ёнғин чиққанини билдирган мазкур идора.

Шу ўринда айтиш жоизки, сўнгги йиллар республика турли ҳудудларида газ баллон ўрнатилган машиналарнинг портлаши, бунинг оқибатида фуқаролар моддий ва жисмоний зарарлар кўраётгани ҳар қадамда бўлмасада учраб турибди.

Шу йил октябр ойида Тошкент шаҳар бозорларидан бирининг яқинида метан газ баллон ўрнатилган Нексия русумли автоуловнинг портлаши оқибатида тўрт киши ҳалок бўлгани хабар қилинганди.

Расмий маълумотларга қўра, ўтган 2012 йилда шахсий ва жамоатчилик транспортларида содир бўлган ёнғин туфайли 220 миллион сўмлик зарар кўрилган.

ЎХХ хабар маркази

Даврнинг идеологияси - ленинизм инкирозга юз тутиб, йўлбошчилик хусусиятини йўқотган, шунга қарамай, идора қиш қуёшини етаклаган булут каби ўжарларча эски гоёсини судрамоқдадир.

Шоир “ҳеч ким шеър ёзмаган бир давр” ҳақида гапиради. Янги насл вакили - куртақлар новдаларнинг бўғзига текилиб, туғилажак кунни кутмоқдалар. Халқни ифодалаган дарахтлар эса бир-бирининг холини ҳайрат ичида кузатмоқдалар. Шеърнинг учунчи қитъасида шоир вақти келганига қарамай замон ўзгармаётганидандан, саволлар беради:

*Баҳор - шеър*

*Новда - япроқ,*

*Турна қанотини ёзмайди нега?*

*Наҳот, “хайр” лашиб*

*қиш билан энди*

*Бирон бир фасл йўқ*

*“салом” дейишга?*

билмай турган одам. Бир қарасанг ёғиб, бир қарасанг тинади. Ниҳоят, қорбобо шаклига кириб, бироз ўтиради...

“Чилла чикқанидан сўнг” шеърда шоир мавсумнинг ўзгаришини тасвирлайди:

*Қор-ку гўзал эди эриб кетди-да,*

*Осмон ўриб олди ўз эканини.*

*Бу фасл тонг чоғи, соат еттида,*

*Ўнутди ўзининг қиш эканини.*

Муҳаммад Солиҳ “Жимжилок” шеърда баҳордан сўз очади.

*Баҳорнинг қўли йўқ,*

*Жимжилоғи бор.*

*Ўша жимжилоғи билан у*

*Ширин тегиб қўйди қуёшга -*

.....

*Сал-пал нуқиб кўрди,*

*Сал туртиб қўйди*

*Бўртган жойларига новданинг.*

Баҳорнинг жимжилоғи билан қилинган бу енгил ҳаракатлар бутун табиатни қиш уйқусидан уйғотмок

лаган ҳайбатли кема бўлиб кўринади. Қоялар худду кўйлак алмаштирган каби ўз шакли ташқарисига чиқади. Чигиртканинг чириллаши эса “ер остидан отилиб чикқан ингичга фавворага” мензайди. Чим устида порлаган шудринг доналари шоирга “кўқдан учган юлдуз” ёки “кўз ёши” ёки “ёнар курт” бўлиб кўрина бошлайди.

“Ердаги оқ тераклар” мансура-сида сой каноридаги оқ тераклар ечиниби, сувдаги аксини тамоша қилаётган хотинларга ўхшатилади. Муҳаммад Солиҳ “Ташбеҳ” шеърда “Сувдаги ойнанинг қўшнисини” сифатида тасаввур қилгани нилуфарни ўз юраги билан қиёслаб, иккови орасида ўхшашликлар топади. Иккови ҳам ер ва кўк орасида муаллақ чунки, Муҳаммад Солиҳ иккита шеърда Туркистондаки экологик фалокатни тилга олади Совет Иттифоқи даврида ўтказилган аграр сиёсатнинг

## МУҲАММАД СОЛИҲ ШЕЪРИЯТИ

Шоир “Қиш манзараси” номли шеърда фақат табиатга оид унсурларга ўрин беради.

*...Ханжарга ўхшайди*

*дарахт шохлари.*

*Итларнинг ҳуришини -*

*сўник қўргошин,*

*Қарганинг бўғзиди*

*пўлат қичқириқ.*

Қишда қаттиқликнинг моҳиятини ифодалаган ташбеҳлар юмшоқликни бўртириш учундир. Юмшоқ биттагина мўридан чиқаётган тутундир:

*Бир тутун ўрлайди, ҳеч кимнинг*

*тушига қирмаган момиқлик ўрлар!*

*Қарга совқотган боласини*

*Йўрғакласа бўладиған тутун...*

“Совук кун” шеърда эса шоир қиш мавсумининг бир кунини қаноти кесик бир қушга қиёс этади. Ҳатто кўз ёшини музга айлантириб юбораётган бу кунда бировни севиш ҳам мумкин эмаслигини айтади.

Шоир ўзининг “Қаҳратон” номли шеърда қаттиқ совуқдан ҳар бир дарахт худду фарзанди хиёнат қилган бир она каби тош қотиб қолгандир. Яна:

*Ҳар лаҳзада бир абадият -*

*Сўнг фожиа юз берганидай,*

*Сукут ичра турар табиат*

*Бир дахшатли қасам ичгандай.*

Мисраларида ҳаёт гўёт тўхтаб қолгандай, сукунат эса худди ичилган дахшатли қасам каби тасвирланади.

“Манзара” шеърда қорнинг ёғиши тараддуд ичида бўлган бир одамнинг ҳаракатига ўхшатилади. Қор гўё ўз хаёлларига асир бўлиб ёғишини ҳам ёғмаслигини ҳам

учун етарлидир. Баҳорнинг бу (хафиф, енгил) ҳаракати фақат табиатга эмас, инсонларга ҳам таъсир этади, уларни ҳам жонлантиради. Шоир бу хусусда шеър сўнггида баҳор “чиқиб келаётган ҳаммага назокатла йўл берди холос” дейди.

Муҳаммад Солиҳ сукунатни тасвирлаган “Август” шеърда:

*Тунда шивирлаб кўр,*

*Ойга эштилади шивиринг.*

*Жим қадам босасан,*

*Юлдузлар тўкилиб*

*кетмасин дея...*

Шоирнинг маъжозий бўлмаган тўғридан-тўғри табиат тасвирланган шеърлари ҳам бор. “Сўқмоқ” номли шеърда сўқмоқнинг эгри-бугрилигини унинг икки четидаги ўткир чимнинг уни қиттиқлаганидан қочиши сабабли пайдо бўлгани тасвирланади.

“Табиат каби” шеърда инсонга хос хусусиятлари табиат мўжизаларида акс эттирилади.

*Сир сақлай олмайди ҳеч ким*

*тош каби,*

*Ёмғирдай айтолмас ҳеч ким*

*сирини.*

*Бирорта эринчоқ нозанин кузги*

*Шабададай билмас майин эриниб.*

*Барча кечикканлар майли*

*бир бўлсин,*

*Куз каби ёқимли келмас кечикиб,*

*Қанча жилмайса ҳам ўлимдан*

*олдин*

*Ёз каби чиройли ўлолмас ҳеч ким!*

Шоир “Тун ташбеҳлари” шеърда нарсаларнинг қоронғиликда янги бир мазмунга бурканганини кўради. Тоғ кеча қоронғилигида лангар таш-

хатолари натиясида ер-сув ва ҳатто тоғлар ҳам ўлимга юз тута бошлаган, Туркистон яшаш мумкин бўлмаган минтақага айланганди.

Туркистон тупроқларининг сурункасига пахта етиштириш учун қўлланилиши, кимёвий моддаларнинг ишлатилиши тупроқни ўлдирди. Пахтага бўлган эҳтиёжнинг ортиши билан сувга эҳтиёж ҳам ортиб борган. Натижада Жайхун ва Сайхун дарёларидан сув олиб турган Орол кўли қуриб қолган. Ўзининг буғланиши билан минтақа иқлимини мувозанатда тутиб турган Орол 50 фойиз сувини ёқотиши атрофининг чўлга айланишига сабабчи бўлган.

Айни пайтда атом чиқиндилари ахлатхонасига айланган Орол кўли ўзидан кейин атомга булганган кум тепалар шамолда соврилар экан ўлим манбаига айланган. Ўзбекистон бу янглиш ва хатоли тадбирлар сабабли фақат табиатни эмас, одамлари ҳам ўлаётган бир ўлка холидадир. У майиб туғилганлар ва болалар ўлими бўйича Ўзбекистон 1980 йиллар бошида Совет Иттифоқида биринчи ўринни эгаллаганини билдиради. (Кўзи тийран дард -1990, 181-187 саҳифа) яна шу мақоласида ўзбек халқининг тўртда бири рақ ва сариқ касалига мубтола бўлганини ва бу сабабли ишга яроқсиз эканлигини қайд этади. Айни пайтда сиёсат одами бўлган Муҳаммад Солиҳ 1985 йилдан кейин ўлкасининг энг муҳим масаласи ўлароқ санагани экологик муаммо ҳақида қатор мақолалар нашр этади.

*Давоми келгуси сонда*

## ЗЕҲН (ОНГ) НАЗОРАТИ

(Давоми. Боши ўтган сонда)

Аллоҳга ишонадиган одамлар ўз аҳволига танқидий қараш қобилиятига эгалар. Улар удумдаги янги дорилар, эмлашлар ва амалиётларга бўлган фанатикларча боғлиқликдан узоқдирлар.



Улар дори билан ётиб, дори билан турадиган интеллектуаллардан кўра узоқроқни кўрадилар, чунки улар мўминнинг фаросатига эгадирлар. Синтетик дорилардан наф йўқлигини билдилар.

Бутун синтетик дорилар, айниқса, глюкокортикоидлар, эмлов дорилари, антибиотиклар, кўшимча моддали озукалар, гени ўзгартирилган озукалар, озик-овқат саноятининг бутун тайёр маҳсулотларининг истеъмоли ва наркоз, радио ва кимётерапия, жарроҳий амалиётлар, диоксинлар, ДДТсимон кимёвий моддалар, хлорли кир кетгазувчиларнинг қўлланилиши - ҳаммаси иммун системасини чўктирадиган факторлардир.

Энг актив иммундепрессиясини пайдо қилувчи факторлар глюкокортикоидлар, эмлаш дорилари, антибиотиклардир.

Булардан биттасини бир мартагина қўлланган кишининг иммун системаси кучли зарба ейди.

Хар қандай касалликдан қутилиш учун - ҳатто у ангина бўлсин - юқорида кўрсатилган, иммундефицитга олиб келувчи бутун дори ва моддалардан воз кечиш лозим. Бу замонавий медицина кўришни истамаётган, аммо эртами-кеч тан олишга мажбур бўладиган бир қонундир.

Юқорида айтилган тадбирлар олингандан кейин сиз сўраётган саратон ёки СПИДни даволашга ўтиш мумкин. Даволаниш процедураси эса «Ҳақиқий тиббиёт» китобида батафсил айтилган, афсус, бу ерда уни келтиришнинг имкони йўқ.

Отабек, Норвегия: Саратон касаллигининг олдини олишга бугунги замонавий тиббиёт қодирми?

Яқинда Швейцариянинг машҳур Rosche фармацевт компанияси саратонга қарши бир дори (таблетка, номи эсимда йўқ) ишлаб чиқарибди, лекин жуда қиммат экан.

Шу дори саратонни касаллигининг олдини оладими ростдан ҳам?

**Ойдин Солиҳ:** Биринчидан, саратон билан касалланиш учун иммун системаси ниҳоятда заифлашган бўлиши керак. Демак аввал биз – саратон касаллиги билан оғримаганлар, бу касалликка чалинмаслик учун, иммун системасини заифлаштирадиган нарсалардан қочишимиз керак.

Саратон касаллигининг ташхисини қўйиш осон иш эмас. Бугун бу ташхисда кўп хато қилинмоқда. Ва саратон касаллиги бўлмаган касалларга саратон ташхиси қўйилиб, саратонни даволаш уйғуланмоқда.

Бу даволаш (радио ва кимётерапия) билан иммун системаси чўктирилади ва кейин ҳақиқий саратон пайдо бўлади. Бундай метастаза савиясига юксалган саратоннинг эса давоси йўқ.

Менинг хасталарим орасида саратон ташхиси қўйилган кўп хасталар тузалиб кетди. Чунки уларга янглиш ташхис қўйилган, аммо саратонга қарши (радио ва кимётерапия) даволанмагандилар.

Сиз янги дориларни айтаяпсиз, бу мухтаманан рекомбинат ДНК дорилардан бири бўлиши мумкин. Бу тип дорилар шундай ишлайди: «кайчи» энзимлар саратонга сабаб бўлган генни кесиб олиб ташлайди. Унинг ўрнига синтетик ген жойлаштиради.

Аммо иммун системаси «кайчи» энзимларнинг бу ишини бузишга ҳаракат қилади, шу боис аввал дорилар билан иммун системасини заифлаштирадилар. Бу эса кимётерапиядан фарқли бир нарсаси эмас. Битта фарқи шуки, бу даволашдан сўнгра инсон роботнамо бир жонзодга айланади. Бу вазиятда, инсон эътиқодли бўлса, нафақат дунёни, балки охирагини ҳам йўқотади. Чунки Аллоҳ Таоло ҳадиси қудсийда «Мен шу тўрт нарсани асло ўзгартирмайман: Яратилиш, Ажал, Такдир ва Ризқ», дея буюрган.

Саратон шундай касалдирки, унинг сўнгги муқаррар ажалдир. Унга рози бўлмоқ керак.

Мен қулоғи сағир ва кўзи ожиз бир кекса аёлни танирдим. У мусулмонликни қабул қилгандан кейин, ўзининг саратон касаллигига чалинганини ўрганди. Даволанишни рад этди.

Ва шундай деди: «Менинг Аллоҳим менга касаллик берди, мен унга сабр қиламан». Ва тасаввур қилинганки, саратон оғриғи тўхтади, умр бўйи эшитмаган қулоғи эшита бошлади ва у энг гўзал шаклда жон таслим этди. Бу Аллоҳнинг ўз қулига сабри учун берган муқофоти эди.

**Мўминжон Абдурахмон:** Хурматли Ойдин хоним. Туркияда ўқиган ўзбек талабаларидан бириман. Бултур Измит шаҳрида бир конференция бергандингиз. У ерда сизга «Наҳотки бутун бошли медицина хато қилаётган бўлса-ю, фақат сизнинг методингиз тўғри бўлса?» деган саволга берган жавобингизни микрофон бузуқлиги сабабли яхши эшита олмагандим. Илтимос, агар малол келмаса, бу саволга яна бир жавоб берсангиз. Катта раҳмат.

**Ойдин Солиҳ:** Аслида, метод сўзи бу ерда бир оз ўринсиз. Олти ёшимда кўрганим бир воқеани айтиб берай, у узоқ йиллар давомида онгимни ҳеч тарк этмади. Бизнинг бир итимиз бор эди. Унга биттаси тош отиб, пешонасини ёрди ва тош теккан жойда чуқур яра пайдо бўлди. Яра кун сайин катталаша борди, бир куни эрталаб бу ярани гиж-гиж курт тўлдирганини кўрдим. Мен бувимга «итимиз ўлаяпти, ярасига курт тушибди», дедим.

Бувим эса «аксинча, ярага курт тушган бўлса, демак, яра тузалапти», деди. Чиндан ҳам яра 2-3 кундан сўнгра тузала бошлади. Мени хайратга солган нарсаси – тузалишининг шу қадар даҳшатли кўриниши эди. Бу менинг тиббда илк тажрибам эди. Балки ўзимни тибб илмига бағишлаганимга илк туртки ҳам ўша воқеадир. Йиллар ўтиб, клиникаларда яраларни қандай даволаганларини кўрдим. Бу даволаш услуби менга ўшандаёқ абсурд кўринди. Аммо бу ҳиссиётимни ҳеч кимга айта олмасдим, чунки одамларнинг зеҳни бошқа эди; улар, масалан, ўша ит ҳақидаги хикояни қабул қила олмасдилар. Айтсам, мени телбага чиқаришлари мумкин эди. Ана шундан кейин, мен яраларни тузатишнинг янги услубларини ахтара бошладим. Бир баҳорда, Наврўз куни, Тошкентда, қўшни хотинлар билан сумалак тайёрларкан, хотинларнинг ўстирилган буғдой нишонасининг суви 3 килосини бир қоп ун билан аралаштиришганини кўрганимда буғдой суви худди унни эритгани каби йиринглаган ярадаги ўлик тўқималарни ҳам эритиши мумкинлигини англадим.

**Ойдин СОЛИХ**

«Ҳақиқий тиббиёт» китобидан  
(Давоми келгуси сонда)

**ERKIN YURT**

«Эркин Юрт» интернет-газетаси  
www.uzxalqharakati.com/erkinyurt  
Мустақил манбааларнинг  
маълумотларидан фойдаланилди.  
Масъул муҳаррир  
**Камолиддин Йўлдош**